

ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА №124/Р

Самарканд ш.
(шартнома тузилган жой)

«14» июл 2020 й.
(шартнома тузилган сана)

Бундан буён "БУЮРТМАЧИ" деб аталувчи "Самарканд шаҳардаги каб-бур" номидан низом асосида фаолият олиб боровчи раҳбар Э.И. Дроздов бир томондан ва бундан буён "ИЖРОЧИ" деб аталувчи Самарканд вилоят телерадиокомпанияси номидан устави асосида фаолият олиб боровчи компания директори М.Р. Ихтияров бошқа томондан, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Буюртмачи" хизматларни қабул қилиш ва тўлаш, "Хизмат кўрсатувчи" эса Буюртмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги хизмат кўрсатиш мажбуриятини олади:

№	Хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Микдор (ҳажм)	Бир дақиқа рекламани (тайёрлаш, эфирга узатиш) нархи	Шартноманинг умумий қиймати
1	Рекламани эфирга бериш (ТВ)	Дақиқа	17.83	62500	1 114 375
2	Рекламани тайёрлаш (ТВ)	Сония	107	421000	842 000
...	Жами				1 956 375
	Жами (ҚҚС сиз)				
	Жами (ҚҚС билан)				

Изоҳ: 107 сониялик ролик кунига 2 мартаба жами 5 кун эфирга узатилади.

1.2. Шартноманинг умумий суммаси **1 956 375** (Бир миллион тўққиз юз эллик олти минг уч юз етмиш беш юм) ни ташкил қилади.

1.3. Хизмат кўрсатишни бошлаш ва тугатиш муддати: Бошланиши: " " 20 й. Тугатиш: " " 20 й.

2. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. "Буюртмачи" мазкур шартномани 5 банк иш кун ичида қонунчиликка мувофиқ шартнома умумий суммасидан 15% миқдорида олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 85% ни кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома имзолангандан сўнг 5 банк иш кун ичида қабул қилиш далолатномаси ҳисоб фактураси и.б. асосида тўлайди.

2.2. Хизмат кўрсатиш якунлангандан кейин "Хизмат кўрсатувчи", "Буюртмачига" бажарилган ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тақдим этади.

2.3. "Буюртмачи" далолатнома ва унга илова қилинган бошқа ҳужжатларни олгандан кейин 3 банк иш кун ичида имзоланган далолатномани ёки хизматларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини "Хизмат кўрсатувчига"га юборади.

2.4. Рад қилинган ҳолатда, кўрсатилган хизматларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан қамчиликликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва шартнома талаблари ва шартларига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартномани шартларини бажаришни бир томонлама рад қилиш ёки шартнома шартларини бир томонлама тартибда ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигида ўрнатилган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижросини таъминлаган тақдирда шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан аввал кўрсатилишини мумкин.

3.5. Кўрсатилган хизматлар бевосита Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан кўрсатилган хизматлар миқдори ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4. Буюртмачи:

4.1. Кўрсатилган хизматларни танлаб олмаслик, шунингдек хизмат кўрсатувчи шартномада белгиланган муддатда (даврд) уларни хизматлари кўрсатганда, хизматлари қабул қилиб олиниши асоссиз равишда рад этганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Қабул қилиб олинмаган (олиш асоссиз рад этилган) ҳолларда, хизмат кўрсатувчи жарима ундиришдан ташқари, ушбу ишлар бажарилганлигининг қафолатларини тақдим этган ҳолда, қабул қилиб олинмаган (ўз муддатида қабул қилиб олинмаган) хизматлар қиймати тўланишини талаб қилишга ҳақлидир.

4.2. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида хизматлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

Бажарилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат кўрсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.3. Хизмат кўрсатувчи:

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақлиф этилаётган хизматларни кўрсатиш муддатлари ва жойи бўйича ётказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.4. Агар кўрсатилган хизматлар стандартлар, сифати, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки ҳужжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи хизматларни қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, хизмат кўрсатувчидан сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, хизматлар ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар кўрсатганлиги учун жарима хизмат кўрсатувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

4.5. Хизматларни кўрсатиш муддати ўтказиб юборилган ёки кўрсатилмаган ҳолларда Хизмат кўрсатувчи Буюртмачига ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пеняларнинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмагача бўлиб қўйилмайди. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тегншли тарзда бажариш ва хизматлар кўрсатиш муддатини ўтказиб юборилиши ёки кўрсатилмаслиги натижасида ётказилган зарарларни қоплаб бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

5. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 5.1. Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қондага кўра, мустақил равишда уларни судгача хал этиш чораларини кўрадилар.
- 5.2. Томонлар келишмовчилик ва бахсларни хал этиш учун бевосита хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.
- 5.3. Томонлар хўжалик судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги хўжалик судида кўриб чиқилад.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиккан ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этган ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февралдаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган шартларнинг мавжудлигига кўра томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.
- 7.2. Мазкур 1956375 сўмлик № 124/Р -сонли шартнома «14» июл 2020 йилда 2 нусхада тузилган бўлиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан сунг қонуний кучга киради.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

- 8.1. Мазкур шартнома Ҳазначиликда мажбурий рўйхатга олинган вақтдан кучга киради ва 2020 й. "31" декабригача амал қилади.
- 8.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда шартнома бажарилган ҳисобланади.
- 8.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугатиш томонларни жавобгарликдан озод қилмайди.

9. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

Хизмат кўрсатувчи
Ташкилот номи : Самарканд вилоят телерадиокомпанияси
Манзил: Самарканд ш. Кўксарой майдон 5
Телефон: 233-96-16; 233-96-01
Факс: 233-96-01
СТИР коди: 201214415
ОКОНХ: 93180
ШХР: 400110860184017950100137001
Х/Р: 23402000300100001010
Молия Вазирлиги Ҳазначилиги
Банк номи: Тошкент шаҳар Марказий Банк ХККМ
МФО: 00014
Рахбар (директор): М.Р. Ихтияров

Буюртмачи
Ташкилот номи: Самарканд шаҳридаги касб-хунарга ўқитиш маркази
Манзил: Сам шах Спитаменшоҳ 264 А уй
Тел.: (+99866) 221-72-62
СТИР коди: 207243716
ОКОНХ: 92120
Буюртмачининг Ҳазна шахсий ҳисоб варағи: 200221860184017041232237001
Ҳазначилик бўлини маси номи: Самарканд вилоят буйича Ҳазначилик бошқармаси
Ягона Ҳазначилик ҳисобварақлари (ЯҲХ): 23 402 000 300 100 001 010
Банк номи Марказий банк ХККМ Тош шаҳ МФО 00014
Ҳазначилик бўлини маси ИНН рақами: 201122919
Рахбар (директор): И.Т.Эргашев

Ҳуқуқшунос
Лицензия (диплом) № берилган санаи:
«20» 07 2005 й
Ҳуқуқшунос
Лицензия (диплом) № берилган санаи:
«7» 07 2005 й

У Бекмуродов
ОК-1 № 001986 2005.11.07